

ХЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ  
ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА  
АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 8-oktabr • Payshanba • 120 (30.081) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## ЁШЛАР УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Пойтахтимиздаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.



лонна каби ташкилот ва муассасалардаги муҳандис-оператор, автоаъмирловчи, пайвандчи, хайдовчи, тиббиёт ходими каби мутахассисликларга эҳтиёж, айниқса, катта.

Зухра Мирзаева Тошкент тиббиёт коллежининг якунловчи босқич ўқувчиси. Ярмаркада у Мирзо Улугбек туманидаги 4-оилавий поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлаш учун йўланма олди.

— Бундай меҳнат ярмаркалари бўш иш ўринлари ҳақида батафсил маълумот олиш, биз, ёшлар ўзимиз учун мақбул иш топшимизда жуда қулай, — дейди Зухра. — Оилавий поликлиникадаги иш жойимнинг уйимизга яқинлиги, меҳнат шaroитлари менга жуда маъқул.

Назозат УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилган ислохотлар жараёнида иқтисодийнинг реал соҳалари учун маълум мутахассислар тайёрлаш, аҳолини аниқ ва манзилли ижтимоий ҳимоялаш, иш билан бандлигини таъминлаш, янги корхоналар ташкил этиш асосида қўллаб-қувватлаш иш ўринларини яратиш, қанчаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бир

қатор ташкилотлар ҳамкорлигида корхона-ташкilotларни техник ва технологик қайта жиҳозлаш орқали янги иш ўринларини барпо этиш бўйича муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида пойтахтимизда 48 мингта иш ўрни яратилиб, бунда янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш ҳамда кенгайтириш, хизмат кўрсатиш, сервис, қанчаларини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратилди.

Бўш иш ўринлари яр-

маркасида шахримиздаги бир юз саксондан ортиқ корхона ва ташкилот, муассаса 15,5 мингта яқин бўш иш жойи билан иштирок этмоқда. Улар орасида шифокор ва ҳамширалик иши, иқтисодчи-ҳисобчи, муҳандис, чилангар-таъмирловчи, тикувчи-йигирувчи, қурувчи каби мутахассисликлар бор.

— Меҳнат ярмаркасида туманимиздаги йигирмага яқин корхона олти юздан зиёд бўш иш ўрни билан иштирок этмоқда, — дейди Мирзо Улугбек туман Бандликка қўмақлаш маркази директори Шерзод Раҳмонов. —

Ярмаркада Тошкент иссиқлик маркази, 2-болалар жароҳлик клиникаси, туман тиббиёт бирлашмаси, 2519-автоко-



Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган суратлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги  
Ўзбекистон Халқ демократик партияси  
фракциясининг мажлиси бўлиб ўтди.

## ФРАКЦИЯ МАЖЛИСИ

Фракция Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Мазкур лойиҳанинг мазмун-моҳияти ва мақсадлари ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси Самидилло Маҳмудов изоҳ берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлда қабул қилинган «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида 2009-2010 йилларда тижорат банкларининг юридик шахслар ўртасида жойлаштириладиган узоқ муддатли облигацияларни чиқариши кўзда тутилган.

Қайд қилиш лозимки, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, фақат очiq акциядорлик жамиятлари корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқига эга. Тижорат банклари турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларда бўлиши мумкин.

Лойиҳада барча тижорат банкла-

ри томонидан облигацияларни жойлаштириш имкониятини яратиш мақсадида, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга тижорат банки томонидан облигациялар чиқариш ҳуқуқини кўзда тутувчи меъёр тақриф этилмоқда.

Шу билан бирга, эмиссиявий қимматли қоғозларни оммавий равишда жойлаштириш жараёнида акциядорлик жамиятининг акциядорларига имтиёзли ҳуқуқ бериш, шунингдек, давлат қимматли қоғозларини эмиссия қилиш ва Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан қимматли қоғозларга эгаллик қилишда бир инвесторга бошқаларига нисбатан афзаллик белгилаш нормалари кўзда тутилган.

Мажлисида, шунингдек, фракция ваколатига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ҳамда улар ўзасида ЎзХДП депутатларининг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Асли КАМОЛ.

## ЎзХДП минтақавий кенгашлари пленумлари

# ҚАЛОЛ РАҚОБАТ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИДИР



Айни вақтда мамлакатимизда барча сиёсий партияларнинг диққат-эътибори шу йил декабрь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга қаратилган. Бу муҳим сиёсий кампанияга тайёрларлик, партиянинг муносиб номзодларини тавсия этиш, Олий

Мажлис ва маҳаллий Кенгашларда етакчи мавқега эга бўлишга қатъий интилиш ХДПнинг ҳам сайловолди кампанияси давридаги саъй-ҳаракатларида ўз ифодасини топмоқда. Сирдарё вилоят партия кенгаши пленумида вилоят партия ташкилотининг мазкур сайловларда иштироки тўғрисида маъруза қилган Ўзбеки-

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИРДАРЁ, ЖИЗЗАХ, ХОРАЗМ, ФАРҒОНА, ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКА КЕНГАШЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИДА ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ БУ БОРАДА АЛОҲИДА СЎЗ ЮРИТДИЛАР

тон ХДП вилоят кенгаши раиси Алишер Тошматов ўтган сайловлар тажрибасини яна бир қарра таҳлил қилиш лозимлигини, бўлажак номзодларни ҳар томонлама ўрганиб, бошланғич ташкилотлар, партия фаоллари фикрига таянган ҳолда уларни танлаш лозимлигини таъкидлади.

— Қайд этиш жоизки, ўтган сайловларда сайланган 50 нафар вилоят Кенгаши депутатининг 20 нафарини, жами 360 нафар шаҳар, туман Кенгашлари депутатларининг эса 156 нафарини ХДП вакиллари ташкил этди, — деди у. — Бу умуман олганда ёмон кўрсаткич эмас. Бироқ шунини унутмаслик лозимки, бугунги сайловчи масалага томошабин сифатида қаровчи, бефарқ ва қўл силтаб қўя қолувчи фуқаро эмас. Вакиллик органларида фаолият кўрсатаётган-

ларнинг қайси бири халқ манфаатларини ўйлаб иш қилди, қим депутат деган номни фақат обрў учун, номигагина кўтариб юрибди — буларнинг ҳаммаси элнинг назарида, эътиборида. Яқинлашиб қолган сайловларда ҳам ҳар қим хизматига қараб овоз олади, халқ нақли билан айтганда, экканини ўради.

— Кўппартиявийлик шарoитида ҳалол, қонуний рақобат муҳитининг бўлиши демократик давлат тараққиётининг асосий омилларидандир, — деди Мирзаобод туманидаги қишлоқ врачлик пункти мудирини, вилоят Кенгаши депутати Гулсара Одилова. — Бироқ обрў-эътиборга сазовор бўлишнинг осон ва арзон йўлини излаётган айрим партия фаоллари учун улар билан ёнма-ён яшаётган ва фаолият юритаётган бошқа

партия вакиллари тўғрисида асосий гапларни айтиш одат тусига кирмоқда. Мен Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг сўнгги вақтлардаги «танқидчилик» фаолиятини назарда тутаяпман. Чунки, ХДП фаолиятидаги «камчилик» кейинги пайтларда ЎзЛиДепнинг матбуот органида тез-тез ёритилмоқда. Танқид холис ва ҳаққоний бўлса ҳеч эътирозимиз йўқ.

«XXI аср» газетасининг шу йил 1 октябрь сонидан чиққан «Хатолардан хулоса чиқарайлик» сарлавҳали мақолани ўқиб очиги, ҳайрон қолдик. ЎзЛиДеп Сирдарё вилоят кенгаши фаоллари йғилишидан ҳисобот тарихида берилган ушбу мақолада гап партиянинг сайловларга тайёрларлиги ҳақида кетган.

(Давоми 2-бетда)

## СИЁСИЙ КУРАШ МАСЪУЛИЯТИ ВА МАДАНИЯТИ

ёки баҳс-мунозарадан мақсад — электорат манфаати, юрт раънақи, халқ фаровонлигига қаратилган лозим. Аммо ЎзЛиДеп шахсий обрў-эътибор қозонишга кўпроқ интилаётганга ўхшайди

Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритганидан буён ўтган қисқа даврда ҳаётнинг барча жабҳаларида, хусусан, сиёсий соҳада ҳам бекиёс ютуқларга эришганимизни бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Ўзбекистонда профессионал парламент ташкил этилгани, кўппартиявийлик тизими тобора ривожланиб бораётгани, Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан «Давлат бошқарувини янгиллаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун қабул қилинганни, сайловлар тўғрисидаги қонунчилик киритилган охириги ўзгартишлар халқаро экспертлар томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Дарҳақиқат, бугунга келиб, сиёсий партиялар учун катта имконият ва шарoитлар яратилди. Мамлакатимиз раҳбари эса сиёсий партияларни қўллаб-қувватлаб, уларни ҳалол курашга, ўз позициясини аниқ, дадил, қатъият билан намoён этишга даъват этиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда)

**БИРИНЧИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ**

2

**КЕЛАЖАК ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИ**

3

**ҚИШЛОҚДА ГИМНАСТИКА КОШОНАСИ**

4

O'zbekiston havo yo'llari

**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

# СИЁСИЙ КУРАШ МАСЪУЛИЯТИ ВА МАДАНИЯТИ

## ёки баҳс-мунозаралардан мақсад — электрот манфаати, юрт равнақи, халқ фаровонлигига қаратилмоғи лозим. Аммо ЎзЛиДеП шахсий обрў-эътибор қозонишга кўпроқ интилаётганга ўхшайди

Табиийки, бундай жараёнлар сиёсий партиялар фаолиятини сезиларли даражада кучайтирди. Партиялар куйи ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятига талаб ошмоқда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар ўртасида баҳс-мунозаралар тобора кизгин тус олмақда. Бунга кўлб мисоллар келтириш мумкин.

Аммо, юқорида қайд этилган ҳуқуқ ва имкониятлар билан амалий ишларимизни таққослаб, фаолиятимизга ҳолис баҳо берадиган бўлсак, мақтанлиги ҳали анча борлигини англаймиз. Афсуски, Ўзбекистон либерал-демократик партияси вакиллари даъволарига чуқур эътибор қаратилмади бўлса, ўзига юқори баҳо бериш, бошқалар шаънига асосан, мантқиқсиз гапларни айтиш одат тусига кириб бораётганини кузатиш мумкин. Бунга ўнлаб мисоллар келтириб, майданлаш ўтирмадан, уларнинг биз келиши амалдиган айрим гаплари ҳақида тўхталмоқчимиз. ЎзЛиДеП такрор-такрор айтаётган бир фалсафага эътибор қаратайлик: **Фақат эркин тadbиркорлар, яъни ўз мулкига эга бўлган шахсларгина «Кучли давлатдан — кучли жамият сари»** госяни амалга оширишнинг том маънодаги иштирокчилари бўлиши мумкин.

Авалло, бу муҳим гоё тўғрисида фикр айтишдан олдин унинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаш зарур. Мазкур масала юзасидан бундай юзакчи, узил-кесил ҳулоса чиқариш мантқиқсизлик эмасми? Фақат тadbиркорлик ва ишбилармонлиқни ривожлантириш билан ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуриб бўлмайди! Бунинг баробарида, одамларнинг ҳуқуқий-сиёсий оғни, маданияти, маънавияти юқсалиб бориши, жамият аъзолари миллий гоё, мафкура атрофида бир-

лашмоғи талаб этилади.

Хар қандай рақобат соғлом, конструктив асосда бўлиши тарафдоримиз. Айниқса, сиёсий партиялар ўртасидаги курашда этика, маданият тамойилларига амал қилиниши ўта зарур, деб ҳисоблаймиз. Ўйламай айтилган ноўрин, ҳаёдий сўз аввало, ўз эгаси обрўсига путур етказди. Афсуски, либераллар сўз айтиш масъулиятини унчалик ҳис этмаётган кўринади. ЎзЛиДеП ҳали оёққа турмасдан туриб, ташкил этилганига кўп ўтмай мамлакатимиздаги барча партияларга ақл ўргатиб, улар олдида вазифалар қўйган эди. Энди эса, ЎзХДПга нисбатан «сочи оқарган», «чўкаётган партия», «отaxon партия», «халқ мақомини сақлаб қолишга уринаётган партия» қабилидаги сўзларни айтаётганини қандай баҳолаш мумкин?

Либераллар ХДП шаънига айтаётган танқиддан яна бир мисол. Гўё **ХДП ҳанузгача ЎзЛиДеПнинг мақсад ва вазифаларини нотўғри талқин қилиб, либерал-демократик гоё ва сиёсий платформасининг мазмун-моҳиятини бузиб кўрсатишга уринмоқда. Хусусан, мамлакатимизга либерализм тўғрисида келмайди, чунки халқимиз жамоавийлик асосида яшайди, индивидуализм ва эркинлик эса жамоавийликка мутлақо зиддир, деган ўта асосиз ҳулосаларни айтмоқда.**

Биз «мамлакатимизга либерализм тўғрисида келмайди», деган фикрдан мутлақо йироқимиз. Либераллар ўз гоёларига сифатида таъкидлаб келаятган, дастурларда бош вазифа қилиб белгилаб олган либерализм гоёси аслида қачон, кимнинг ташаббуси билан кўрилгани ҳаммага маълум.

Биз ҳеч қачон бу гоёга қарши бормаганмиз ва бормаймиз ҳам. Чунки, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётда тadbиркорлик ва ишбилармонлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши англаймиз ва уни қўллаб-қувватлаймиз. Шу

орқали янги иш ўринлари яратилади, мамлакат иқтисодий қуввати, аҳоли миллий даромади ошади, ижтимоий муҳофазани яхшилаш учун имконият кенгайди.

Бирок, ЎзЛиДеПнинг ХДПга қарата «сизлар фақат давлатдан ёрдам сўрайсизлар, одамларни боқимандаликка ўргатайсизлар. Ким яшашни хоҳласа, бизга ўхшаб тadbиркорлик қилсин, бизнес билан шуғуллансин», деб қайта-қайта таъкидлаб келаятган фикрига мутлақо қўшилмаймиз. Бу ўринда либераллар кам маош олиб ишлаётганлар, пенсионерлар, уруш қатнашчилари, боқувчисини йўқотган оилалар, тўғма ёки турли сабаблар билан ногирон бўлиб қолган кишиларни унутаятганга ўхшайди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти барпо этилиши бош мақсад қилиб олдик. Бу эзгу ниқад эришишимизнинг асосий йўллари Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган. Бутун дунёга машҳур бўлган Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг беш асосий тамойилидан бири — кучли ижтимоий ҳимоя этиб белгилагани аҳолининг айнан кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламни қўздан-қўп муаммолардан, йўқотилганлардан асраб қолди. Бозор иқтисодиёти ўзининг табиатида кура, анча бешафат жарамён. Унга ўтиш ва унда яшаш учун ижтимоий адолат, меҳроқибат, инсоний кадриятлар унутулса, ўта бойлар ва ўта қашшоқлар қатлами юзага келиши шубҳасиз. Шу боис, мамлакатимиз раҳбари ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти жараёнида бунга йўл қўйиб бўлмагани ҳақида жамоатчиликни оғохлантириб, ижтимоий ҳимоя масаласига изчил эътибор қаратиб келмоқда. Биз ҳам ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тарафдоримиз ва шу

позицияда қатъий тураемиз. Партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси янги қонунлар лойиҳалари муҳокамаси чоғида, электрот ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ қатор тақлифларни киритишга муваффақ бўлди.

Маълумки, ҳар бир сиёсий партия ўз электрот манфаатини ҳимоя этиш, улар муаммосини ўрганиш ва ечиш бўйича турли изланишлар олиб боради. Ўз амалий ишлари билан жамоатчилик фикрини шакллантиришга ҳаракат қилади. Айнан ушбу масала бўйича ЎзХДПда ўзига хос механизм яратилган дейишга етарли асос бор. Вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашилари қошида қарийб тўрт йилдан буён фаолият кўрсатиб келаятган «Жамоатчилик қабулхоналари» партияимизни электрот, оддий одамлар билан боғлайдиган, уларнинг муаммоларини ўрганадиган муҳим воситаларга айланади. Жамоатчилик қабулхоналарида партия фаоллари, депутатлар, юристлар одамларнинг дардини эшитишади, масалани тегишли идораларга олиб чиқиб, ҳал этиради ёки назоратга олдирди. Шунингдек, юридик масолаҳатлар беради. Ушбу амалий ишлар одамларнинг партияимизга ишончини оширмақда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бирок, зиммамизга олган юксак масъулият, бажаришимиз лозим бўлган муҳим вазифаларни қилаётган ишларимиз билан таққослайдиган бўлсак, хотиржам бўлишга, мақтанлишга ҳали анча борлигига ишонч ҳосил қилаемиз. Бугунги кунда мамлакат тараққиётини янада юқори даражага кўтараядиган, халқимиз турмушини бундан-да фаровон этишга қаратилган вазифалар, миллий манфаатимизга ҳавф солаётган муаммолар бўйича ўзимизнинг аниқ тақлиф ва муқобил дастурларимизга эга бўлишимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Афсуски, бугун ЎзЛиДеП би-

лан ўртамизда бўлаётган баҳс-мунозараларда асосан майда масалаларга ўралашиб қолаяпмиз. Либераллар фикрга қарши фикр, гоёга қарши гоё, тақлифга нисбатан муқобил тақлиф айтиш йўлидан эмас, балки ХДПнинг эғнидаги кийими рангидан камчилик излаш, нотўғри қадалган тўғмасини ахтариш билан шуғулланиб келаятганга ўхшайди. ХДП аъзоси бўлган бирор кишининг бузоғи қўшнисининг томорқасига ўтиб кетганини эшитса ҳам бўлди, дарров қаламга олинади. Бундай «камчилик излаш» усулидан фақат майда манфаат қўзданмоқда, ўзини кўрсатишга ишқибозлик сезилмоқда.

Ҳаёт таърибасидан маълумки, ўзига бино қўйиш, енгил-елпи, асосиз гаплар панасида туриб, ҳеч ким максималга етмаган, обрў ҳам топмаган. Аммо, либераллар бу ҳақиқатни тан олмайди келамаяпти, шекилли. Уларда қандай бўлмасин, ХДП шаънига танқид айтиш орқали одамлар эътиборини ўзига қаратишга мойиллик кучайиб бормоқда. Яқинда сиёсий партиялар вакиллари иштирокида бўлган дебатда либераллардан бири галати гапни кўтарди: **«ХДП сайлов арафасида ҳар қандай йўл билан бўлса-да, аъзолари сонини оширишга уринмоқда...»**. Тўғриси, бу фикр қайта-қайта такрорланмоқда. Бундай даъво қанчалик асосизлигини билиш учун «ХХ аср» газетасининг ўзида яқинда сиёсий партиялар аъзолари сонини тўғрисида эълон қилинган маълумотларга эътибор берайлик: **«Адолат СДП — 75624, ЎзХДП — 363354, ЎзМТДП — 108390, ЎзЛиДеП — 161758»**.

Энди ҳисоблаб кўринг, ҳар учала партия аъзолари кўшилганда ҳам ХДП аъзолари сонига етмайди-ку. Шундай экан, аъзоларни кўпайтириш масаласи бизни эмас, балки либералларнинг ўзларини ташвишлантираётган бўлса керак. Агар ким қандай

йўллар билан аъзолар сонини кўпайтираётгани масаласи хусусида баҳс юритадиган бўлсак, инкор қилиб бўлмайдиган, аммо либераллар учун жуда ноқулай мисолларни истаганча келтиришимиз мумкин.

ЎзЛиДеПни анчадан буён безовта қилиб келаятган яна бир масала бор — бу Халқ демократик партиясининг номи. Бу ном либералларга нега ёқмаслигини билмаймизу лекин улар «Халқ партиялигига даъвогар ХДП», «Ҳамон халқ партиялигига даъвогарлик қилаётган ХДП», деган ҳусусатларни кўп ишлашади.

Агар ЎзЛиДеП лидерларига бу ном қандайдир гайритабиий туюлаётган бўлса, айтишга тўғри келади. Ҳабадингиз бор бўлса, бундай номдаги партиялар фақат Ўзбекистонда эмас, балки дунёнинг бошқа қатор мамлакатларида ҳам фаолият кўрсатади. Масалан, Австралия халқ партияси, Испания халқ партияси, Латвия халқ партияси, Туркия Республикаси халқ партияси...

Биз яхши англаймиз, либераллар сиёсий майдонда, хусусан, сайловда ҳам ЎзХДПни ўзларининг асосий рақиби ҳисоблайди. Шу боис, қандай бўлмасин, ХДП дан ўзларини устун қилиб кўрсатишга уринишмоқда. Аммо, сунъий даъвогар, рақибга турли асосиз ёрликларни ёпиштиришга ҳаракат қилиш сохта обрў, тор мақсадларга хизмат қилади. Баҳс-мунозара конструктив бўлса, электрот манфаати, юрт равнақи, халқ фаровонлигига қаратилган бўлса, обрў келтиради. Биз ана шундай ҳалол ва мардона кураш тарафдоримиз. Аравани куруқ олиб қочиш, сунъий хатти-ҳаракатлар ўрнига ташаббус, амалий иш, аниқ тақлифлар, керак бўлса муқобил тақлифлар билан одамлар ишончини қозониш, жамиятга фойда келтириш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Сафар ОСТОНОВ

Узун — мамлакатимизнинг кенжа туманларидан. Айни кунларда бу ерда 150 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилмоқда. Умумий ер майдони 1,63 минг квадрат километр бўлган туман Термиздан 192 километр шимолишарқда жойлашган.

### Янги уй-жойлар қурилоқда

Ушбу кентнинг қишлоқлари Ҳисор ва Боботўғ этакларида жойлашган. Мавжуд 88 та аҳоли пунктнинг 79 таси қишлоқ ва 9 таси шаҳарчадир.

Президентимизнинг Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда туманда 48 квадрат метр уй-жой қурилиши режалаштирилган. Янги қурилишлар учун Қорабой Амиев номли ҳамда «Серҳаракат» сувдан фойдаланиш уюшмалари ҳудудидан 32 гектар майдон ажратилди. Ушбу янги ишчотларга 3051,3 миллион сўм маблағ сарфланади.

«Яқинда пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган кўрғазмада ҳам иштирок этдик, — дейди туман ҳокими Насрулло Тилабов. — Намойиш этилган уй-жой лойиҳалари бизга рақишга тушди. Келгуси йилда 50 минг квадрат метр кўркам, ҳар томонлама қулай, шинам уй-жойлар барпо этишни режалаштирганимиз.

— Аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга яхши шароитлар яратиш бериш бугуннинг долзарб вазифасига айланган, — дейди туман архитектора ва қурилиш бўлими бошлиғи Гулсара Саъдиева. — Юртбошимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ги Фармонига асосан «Қишлоқ қурилиш инвести» кредитлари эвазига 36 та ёш оиллага қишлоқ жойларида яқка тартибда турар-жойлар бунёд этиш учун мўлжалланган Намунавий лойиҳалар ҳужжатлари тайёрланди. Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## ЎзХДП минтақавий кенгашлари пленумлари

# ҲАЛОЛ РАҚОБАТ ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИДИР

Ажабланирлики шундаки, асосий масала бир четда қолиб, муаллиф ХДП Мирзаобод туман кенгаши ишларига ўтиб кетади. Туманда ички йўллар, сув, газ, электр таъминотида доир муаммоларга туман ҳокими, туман Кенгаши депутатларининг кўпчилигини ташкил этувчи ХДП аъзоларининг томошабинлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Мақоладаги ХДП депутатлари, фаоллари томошабин бўлиб турибди, деган даъвога мутлақо қўшилиб бўлмайди.



Туман Кенгашида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган бир қатор қарорлар айнан Ўзбекистон ХДП вакиллари билан ташаббуслари билан қабул қилинганини «танқидчилик» кўриш, тан олишни истамаяпти, шекилли. Ўтган йиллар давомида худудда ўзига хос тadbиркорлар амалга оширилди. Масалан, туман Кенгашида қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қабул қилинган қишлоқ аҳолиси яшаш шароитини яхшилашга доир дастурга кўра, бу ишларга 11,4 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиш кўзда тутилган. Саккиз ой давомида дастурда белгиланган бандларнинг 55 таси бажарилди

далолат эмасми? Муаммолар ҳали кўп, албатта. Бирок бошқа партия депутатларини куруқ танқид қилиш билан улар ечилиб қолмайди.

— Партияимиздан депутатликка кўрсатилмаган номзодлар аввало ХДПнинг мақсад-вазифалари, дастурини яхши билиши керак, — деди Сардоба туман, Сирдарё вилоят Кенгашлари депутати Норжигит Ҳожибеков. — Бу электрот билан ишлашда, сайловчилар билан тил топишишда жуда керак. Ўтган сайловларда кўп овоз олганимиз сабаби ҳам асосий эътиборни аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратганимизда, деб ўйлайман. Депутат, айниқса, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз худудидаги муаммолар, уларни кел-

тириб чиқарган сабаблар ва муаммони бар-тафари қилиш йўлларини чуқур билиши лозим.

Шунингдек, пленумда сўзга чиққан ХДП Сирдарё туман кенгаши раиси Маҳмуджон Аҳмедов, вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссияси раиси Рустамбек Турдиев ва бошқалар ҳам сайлов кампаниясини муваффақиятли ўтказишга доир фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги курултойига делегатлар сайланди.

Пленум ишида ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломов иштирок этди.

**Мунаввар ПАРДАЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.**

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Жиззах, Хоразм, Фарғона, Қашқадарё вилоят, Қорақалпоғистон республика кенгашларининг пленумларида ҳам партия сайловли кампаниясини ташкил этиш билан боғлиқ ва партия ҳаётига оид бошқа масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VII курултойига делегатлар сайланди.

## Баркамол авлод орзуси

Нукус шаҳридаги иқтидорли болалар мактаб-интернати базасида 1998 йилда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг 1-сон академик лицейи ташкил этилди. 2003-2004 ўқув йилида академик лицейнинг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ҳозирги вақтда бу ерда тўртта йўналиш — аниқ, ижтимоий-гуманитар, табиий фанлар ва хоржий тиллар бўйича 1900 нафардан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олмақда.

## Биринчи Академик Лицей



Лицейимизда 12 та фан тўғраги, 4 та компьютер, 2 та лингафон хонаси, 8 та спорт секцияси ишлаб турибди, — дейди директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Гулшан Ишметова. — Ёш адабиётчилар, биологлар, математиклар, рассомлар каби тўғрақларнинг ҳар бирида 25-35 нафар ўқувчи қатнашмоқда. Лицей ўқувчилари Қорақалпоқ давлат университетининг ахборот-ресурс марказидан фойдаланади. Университетнинг 20 нафарга яқин таърибчи профессор-ўқитувчиси лицейнинг таълим-тарбия ишларига жалб қилинган.

Билим масканида иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш яхши йўлга қўйилган. Бунинг натижасида 2007 йилда аниқ фанлар йўналишидан 3-курс ўқувчиси Гулназ Шнекеева «Келажак овози» танловининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Гулшан Ишметова номидаги 2008 йилда Ойсара Ешчанова «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар» номинацияси бўйича голиб бўлиб, махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 2008 йилда Несибели Мамбетирзаева таълим йўналиши бўйича, 2009 йилда Кумар Бегниязова адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндори бўлди. Сунгги уч йилда давлат муқофоти ва фан олимпиадаси совриндори бўлган 7 нафар лицей ўқувчиси тест синовларисиз



Ўзлари танлаган олий ўқув юрталарига киришди. Илим ўчоғи Ахборот-ресурс марказида 11 614 дона дарслик ва ўқув кўлланма, 21 889 дона услвий кўлланма, 439 дона илмий оммабоп адабиёт, 1978 дона сиёсий адабиёт, 39721 дона бадий адабиёт, 147 дона маъруза матни, 162 дона CD диск электрон дарслик, 4 дона ўқув фильми мавжуд.

Лицейимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан кўп ишлар амалга оширилди, — дейди лицей директори Барликбой Пренов. — Лаборатория ва фан хоналари ҳозирги замонавий технологиялар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Дастлаб 100 ўринли ўқувчи-лар уйига эга эди. 2008 йилда яна 260 ўринли ўқувчи-лар уйи қуриб берилди. Битирувчиларнинг олий ўқув юрталарига кириш кўрсаткичи сўнгги уч йилда ўртача 70 фоизни ташкил этди. Келгусида бу рақамни камида 75-80 фоизга етказмоқчимиз.

**Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.** Суратларда: чет тиллар кафедраси мудири, олий тоифали инглиз тили ўқитувчиси Консулов Узоқова дарс пайтида; 2008 йилда «Келажак овози» танловининг «Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар» номинацияси бўйича голиби, лицей ўқувчиси Ойсара Ешчанова.

**Азамат АЛЛАШОВ олган суратлар.**

Қарор ва ижро

# ҚОНУННИ БИЛГАН АДАШМАЙДИ

- ◆ Трансмиллий жиноят
- ◆ Муҳим ҳужжат
- ◆ Миллий режа амалда
- ◆ Норасмий меҳнат фаолияти

Мамлакатимизда «Одам савдосига қарши кураш» тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Шунингдек, Президентимизнинг «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 2008-2010 йилларга мўлжалланган Миллий Режа ишлаб чиқилди.

Одам савдосига қарши кураш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг тузилиши эса мазкур муаммога қарши курашиш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш йўналишида давлат, фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ИИВ Жиноят-қидирув ва терроризмга қарши кураш, Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармалари ҳамда «Интерпол» Миллий марказий бюроси билан ҳамкорликда хорижий мамлакатларда фоҳишалик, қўшмачилик ва норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланган шахслар аниқланмоқда. Хорижда ноқонуний фаолият билан шуғулланган депортация қилинган ёш қизлар ва аёллар билан рақамли равишда профилактика тизим-тезор сўхбатлар ўтказилди. Уларни чет давлатларга олиб чиқиб кетган юридик ва жисмоний шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмоқда.

Шунингдек, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда қўшмачилик, фохи-

шалик билан шуғулланган ва гумон қилинган, норасмий меҳнат фаолияти юритган, борган давлатнинг қонун-қоидаларини бузгани учун чиқариб юборилган фуқаролар ҳақидаги маълумотлар жамланиб, уларнинг чет элга қайта чиқишларини назорат қилиш ҳамда профилактика тадбирлар олиб бориш учун доимий ишлаш манзилларидаги янги ишлаш идораларига хабар қилинапти.

Шу ўринда одам савдосига қарши кураш борасида амалда оширилган профилактика-оғоҳлантирув тадбирлар самарадорлиги йилдан-йилга ошаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, ўтган давр мобайнида жойлардаги профилактика инспекторлари томонидан ахлоқ-одоб доирасидаги хуқуқбузарликлар содир этилиши мумкин бўлган 3285 та объект 7294 мартаба текширилди. Мазкур объектларда таносил ёки ОИТС касаллиги юқадиган манбани яшириш бўйича аниқланган 13 та, таносил ёки ОИТС билан касалланган шахсни текширмаслик бўйича 14 та, ОИТСни аниқлашда хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2 та ҳолат аниқланди. Шунингдек, уч мингдан зиёд хуқуқбузарлик ҳолати юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди ва қонуний чора кўриш учун суд идораларига юборилди.

Утказилган тадбирлар давомида фоҳишалик билан шуғулланган ёки гумон қилинган 7393 нафар шахс ҳудудий тери-таносил комиссиялари диспансерларига жойлаштирилди. Улардан 1210 нафариди

турли хил тери-таносил касалликлар мавжудлиги аниқланди.

Ишлаш учун яшаш жойларидан узоқ мuddатга кетиб, қайтиб келаётган фуқаролар тиббий қўриқдан ўтказиб, юқумли касалликка чалинган шахсларни аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шундай шахсларнинг 86126 нафари тиббий қўриқдан ўтказилди. Натижада текширилганлардан 34 нафари турли хил юқумли касаллик билан оғиргани аниқланиб, ушбу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилот ва муассасаларга маълумотлар тақдим этилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Фуқаролардан келиб тушаётган аризаларнинг маъно-мазмуни ўрганилганда уларнинг барчасида ҳам одам савдоси жинояти содир бўлган, деб бўлмади. Масалан, таниши яхши маош ваъда қилиб бошқа давлатга олиб кетган, чет элда маълум бир иш бажарган, иш берувчи унга айрим сабабларга кўра келишилган маошни бермаганлиги сабабли ўртада турган танишига даъво қилиш ҳолатлари учрамоқда. Ваҳоланки, тергов давомида ушбу шахслар чет давлатга ўз хоҳишлари билан бориб, у ерда номуносиб хуқуқ-атвори, ўзига топширилган ишни талаб даражасида бажармаганлиги ёки иш берувчига боғлиқ бўлмаган бошқа сабаб билан маошнинг тўлиқ ололмагани каби ҳолатлар аниқланмоқда.

Бошқа бир ҳолатни олиб кўрайлик. Етарли касб-хунарга эга бўлмаган айрим фуқаролар чет давлатга бориб, меҳнат қонунига кўра барча ҳужжатларни расмийлаштириб ишлаган. Улар дастлабки ишлаган ойлари учун иш ҳақи тўлиқ олганлар. Бироқ иқтисодий инқироз

туфайли кейинги ойлик маошларини вақтида ололмаганликлари сабабли ўзларини ишга жойлаштириш учун олиб кетган шахсларнинг устидан ариза билан мурожаат қилмоқда.

Мисол учун фуқаро Р.Олимжон 2009 йил 8 январь кун мурожаат қилиб, аризасида А.Нодирбек уни ва 14 нафар фуқарони 250.000 сўмдан ойлик маош ваъда қилиб, 2008 йилнинг апрель ойида қўшни юртва олиб боргани ва таниши Р.Бунёд билан биргаликда уларни ишлатиб, тўлиқ иш ҳақларини бермасдан алдаб юрганини баён қилган. Аризани текшириш давомида иш ҳақларини олиб беришмаган бўлса-да, А.Нодирбек ва Р.Бунёд ҳам улар билан елкама-елка туриб меҳнат қилганликлари, ишчиларнинг меҳнат ҳақи устидан манфаат кўрмаганликлари, уларни ҳеч қим ҳуқуқ ва эркинликларини чекамлагани, тазийқ ўтказиб ишлатмагани, мажбурий меҳнат ёки хизматларга жалб қилмагани аниқланган.

Одам савдосига қарши курашда яна бир муҳим жиҳат, шубҳасиз, ҳар бир фуқаронинг миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар талабларидан хабардор бўлиши ва уларга қатъий риоя қилишдан иборат. Ишга ёхуд ўқишга отланган киши ўзи бораётган давлатнинг тилини билишидан ташқари, у ердаги мавжуд тартиб-қоидалар ва қонунларни ҳам ўзлаштирган бўлиши лозим. Аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш талаб этилади. Шу боис турли мақсадда чет элга чиқиб кетаётган фуқароларга одам савдоси билан шуғулланувчилар қўлайдиган усуллар ва жинсий элементлар тўғрисида маълумотлар берилмоқда.

Одам савдоси қабих жиноят. Унга қарши кураш мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаронинг бурчи. Бурчимизни сидқидилдан ва ҳамкорликда бажарсак, бундай жиноят илдиизига болта урган бўламиз.

**Илҳом ТУРҒУНОВ,**  
**ИИВ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник.**

## ХУКУМАТ МАЖЛИСИ сув остида бўлиб ўтади




Мальдив Республикаси ҳукумати 17 октябрда бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисини сув остида ўтказишга қарор қилди. Мажлис глобал иқлим ўзгаришларига бағишланган бўлиб, унда атмосферага чиқарилаётган «парник газ»лари миқдорини камайтириш, экологини яхшилаш бўйича дунё мамлакатлари ҳукуматларига мурожаатнома қабул қилиниши кўзда тутилган.

Ушбу мурожаатнома шу йил декабрь ойида иқлим ўзгаришларига бағишлаб, Колонгагенда ўтказилаётган халқаро саммитга жўнатилади.

Энди Мальдив ҳукумати мажлиси нега сув остида ўтказилиши масаласига келсак, шунга айтиш лозимки, мақсад жамоатчилик эътиборини ҳароратнинг глобал кўтарилиши муаммосига қаратиш. Маълумки, дейилади «AFP» АА ахборотида, 2007 йили БМТнинг хукуматлараро эксперт гуруҳи ҳароратнинг глобал кўтарилиши оқибатида 2100 йилга бориб, дунё океанлари ва денгизлари сатҳи 18-59 сантиметрга кўтарилиши мумкинлигини тасдиқлаган. Демак, атмосферага

«парник газ»лари чиқариш даражаси камайтирилмаса, сув сатҳи кўтарилиши аниқ. Бу эса 2100 йилда Мальдив бутунлай сув остида қолиши аниқ. Демак, Мальдивнинг 330 минг кишилиқ аҳолиси тақдир хавф остида қолади. Шунинг учун ҳам Мальдив Республикаси маъмурияти бу офатга қарши курашнинг турли йўллари қидирмоқда. Жумладан, иқлим ўзгаришлари муаммосига қарши курашни жадал давом эттириш билан бирга бошқа чораларни ҳам ўйлаб турибди, яъни Мальдив аҳолиси яшаш учун Австралия, Ҳиндистон ёки Индонезиядан ёйинки Шри-Ланкадан ер сотиб олиши мумкинлигини яширмапти.

Дарвоқе, ҳозир Мальдив ҳукумати



аъзолари сув остидаги мажлисга тайёргарлик машқларини ўтказишмоқда. Улар ғаввослар кийимини кийиб, ғаввослар ёрдамида 6 метр сув тубида махсус «доска» ва шартли сигналлар орқали мажлис мавзуси асосидан фикрлар билдириш машқларини бажармоқдалар. Мажлиснинг республика президенти Муҳаммад Ноҳид олиб боради. Унда 14 нафар вазир иштирок этади.

## ФАВҚУЛОДАДА ҲОЛАТ бекор қилинди

Гондурасда давлат тўнтариши содир этилганига 103 кун бўлди. Мамлакатда бекорор вазият юзага келгани боис Гондураснинг вақтинча президенти вазифасини бажарувчи Роберто Мичелетти 26 сентябрь кун яна қайтадан фавқулодда ҳолат эълон қилган ва бирқанча конституциявий чекловларни жорий этган эди. Яъни 20 дан ортиқ одамнинг бир жойда тўланиши, комедантлик соати амалда бўлган вақтда кўчада юриш, муҳолиф нукта назардаги оммавий ахборот воситаларининг фаолияти қатъий тақиқланган эди.

Кечадан бошлаб мамлакатда фавқулодда ҳолат тартиби бекор қилинди. Бу ҳақда «Новости» АА хабар тарқатди.



«Karavan Prim» МСН Устав жамғармасини 30 000 000 сўмга камайганини маълум қилади. Янги тахрирдаги Устав жамғармасининг қиймати 2 367 038 530,46 сўм миқдориди белгиланди.



## НЕФТЬ савдосида доллардан воз кечишмоқчи

Форс кўрфазии мамлакатлари Хитой, Россия, Япония ва Франция билан ҳамкорликда нефть савдосида АҚШ доллари муомаласидан воз кечиш режаси устида иш олиб бормоқда, дея хабар беради Британияда чоп этиладиган «The Independent» газетаси.

Америка доллари ўрнини мультивалюталар, яъни евро, иена, юан ёки олтин ёйинки Саудия Арабистони, Абу-Даби амирлиги, Кувейт ва Қатар ҳамкорликда яратмоқчи бўлаётган янги валюта эгаллаши мумкин.

Газета хабарига қараганда, нефть савдосида доллардан воз кечиш масаласи Россия, Хитой, Япония ва Бразилия марказий банкларини раҳбарлари ҳамда молия вазирлари иштирокида ҳам муҳкама қилинган.

## БИР ОИЛАГА бир хўроз

Лос-Анжелесдаги оилалар энди биттадан ортиқ хўроз боқиши тақиқланади. Шаҳар кенгаши яқинда шундай тақиқлов жорий этди. Мақсад тунда ва эрта тонгда оилалар тинчлиги, тунги сокинлик бузилмаслигига эришиш, дея хабар беради «Los Angeles Times» газетаси.

Бу тақиқлов фақат хонадонлар учун тааллуқли бўлиб, қорхоналар, тасвқ фермалари бундан мустасно.

Агар кимки биттадан ортиқ хўроз боқишни истаса, жониворлар масалалари билан шуғулланувчи шаҳар департаментига ёзма равишда мурожаат этиб, лицензия олиши даркор. Бунинг учун улар 50 долларга қўшимча квота сотиб олишлари керак.

Тақиқлов жорий этилишининг яна бир сабаби, шаҳарда авж олган хўроз уриштириш мусобақаларига тўсиқ қўйишдир.

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қўйидаги вақант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Халқаро муносабатлар кафедраси, кафедра мудир, 1 ўрин.
2. Хорижий Шарқ мамлакатлари алабети кафедраси, доцент, 1 ўрин.
3. Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
4. Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
5. Жанубий Осиё тиллари кафедраси, доцент, 1 ўрин, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
6. Педагогика ва тиллар кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
7. Араб филологияси кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.
8. Эрон-афғон филологияси кафедраси, ўқитувчи, 1 ўрин.
9. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.
10. Халқаро иқтисодий муносабатлар кафедраси, катта ўқитувчи, 1 ўрин.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

- ҲУЖЖАТЛАР:**
1. Ректор номига ариза.
  2. Шахсий вақант (рангли фотосурат билан).
  3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
  4. Илмий ва илмий услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25.  
Тел: 233-45-21, 233-44-36.



## Инсон ва табиат



Ер шари аҳолиси жадал сурьатларда кўпайиши натижасида озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Бу эса барчанинг рўзгор тебратиши учун аграр ва озиқ-овқат саноатида чуқур технологик ўзгаришларни талаб этади. Умуман олганда, келажак озуқалари биргина очарчиликдан азият чекаётганларга «совга» тайёрлаётгани йўқ.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин америкалик футуролог олимлардан бири очлик муаммосини «музлаб» қолган маҳсулотларни кенг миқёсда тарқатиш орқали ҳал қилиш мумкин, деб айтганди. Лекин бу билан масала кўриб турганингиздек, ҳал бўлмади. Айни вақтда дунёдаги ҳар олти одамнинг бирига очлик таҳлика солса, ҳар учдан бири сифатсиз озуқа истеъмол қилади. Шу соҳанинг мутахассиси Жозель Коэн ўзининг «Ер қанча одамни боқа олади» китобида очлик муаммосини бартараф этишнинг уч усулини тақлиф этган. Булар — энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотларни кўпайтириш, ҳаддан ташқари кўп ёйдиганлар сонини камайтириш ҳамда озиқ-овқатга бой ҳудудлар товарларини жаҳон бўйлаб тенг тақсимлаш. Ушбу жараён 2050 йилгача амалга оширилиши керак. Аммо семизлик, ортиқча вазн авж олган АҚШ ва Россия аҳолисининг кутилмаганда кам миқдорда истеъмол қилиб, улардан ортган емакни қурраи заминнинг қайсидир бурчагига етказиб берилишига ишончи қийин.

Мутахассислар бу борада умид боғлайдиган иккита мақбул йўл — энг замонавий технология ва генли модификация (яъни истеъмол молларининг бошқа хили ёки ўзгарган шакли) ни тавсия қилишмоқда. Мазкур масалда,

## КЕЛАЖАК ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

улар қандай бўлади?

айниқса, янгиликка ташна АҚШ аҳолиси генли инженерия орқали этиштирилган маҳсулотларни бажонидил истеъмол қилади. Кўплай ширинлик, ичимлик ва энгил таомларнинг яратилиши тарихи айнан шу технологияга мансуб. Шулар қаторида бу каби технологиялар ўртача умр давомидаги ҳамда импорт ҳажми бўйича жаҳонда етакчи ўринни эгаллаётган Японияни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бошқа ҳудудларга келсак, аҳолисининг ўсиш кўрсаткичи қолганларга нисбатан юқори — Ҳиндистон, Хитой, Индонезия, Покистон, Бангладеш, Нигерия ва Бразилия давлатлари одамларининг маълум қисми озиқ-овқат билан тўлиқ таъминланмаган.

Озуқанинг келажакдаги идеал кўриниши тахминан мана бун-

дай тарзда бўларкан: ерга урув сепилиб (генли модификацияланган) ўстирилади ва у сиз тасаввур қилгандан ҳам мўл ҳосил беради. Мазкур жараёнда унга на об-ҳаво таъсир қилади, на зараркунандалар ўсимликка яқин йўлайди. Унган ҳосилни ташини ва узоқ мuddат сақлашда ҳам ҳеч нарса йўқотилмайди. Истеъмолчига эса у харид қилган маҳсулот эндигина «тандирдан узилганили» кафолатланади. Бирон жойи урилмаган, қурт-ламга ва ҳоказо. Ута бадгумон харидорлар бўлса, сотиб олган маҳсулотини бемалол сканерда текшириб, у қандай далада ўсгани ва қачон териб олинганини билиб олиши мумкин. Шунга айтиш керакки, бу каби усуллардан ҳозирнинг ўзида ҳам кенг фойдаланилади.

курол вазифасини ўтайди. Лекин мазкур протеинлар ўсимликнинг барча дўшманларига нисбатан захарли бўлиб чиқмаганлиги боис, ҳозир айрим мамлакатларда бир неча олимлар гуруҳи хавфсиз «биологик курол» устида иш олиб бормоқда ва улар бу борада қатор муваффақиятга эришган. Яъни йирик компанияларнинг сайёҳаракати билан ҳар қандай ҳашаротни кириб ташлашга қодир генли ўсимлик турлари яратилган.

Аммо мазкур ўсимликларнинг экологик жиҳатдан хавфсизлик даражаси қанчалиги номаълум. Гарчанд улар маълум турдаги ҳашаротларга йўналтирилган бўлса-да, бошқа ҳайвонот олами — қўшлар ва ҳайвонлар ундан нима кутиши мумкинлиги ҳозирча жумбоқ. Улар муайян

турдаги биологик мавжудотнинг йўқолиб кетишига сабаб бўладими ёки йўқми, буни башорат қилиш қийин. Нима бўлганда ҳам олимларнинг фикрича, янги ўсимликларнинг бари инсоният учун хавфли саналмайди. Боз устига, ҳозир озиқ-овқат технологиялари нафақат оч одамларни тўйдириш, балки таркибини фойдали моддалар билан бойитиб, маҳсулотни медицина мақсадларида қўллаш учун ҳам ривожланиб боради.

Масалан, швейцариялик тадқиқотчилар сўнгги технологияларда генли модификацияланган ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, улар ўзидан протеин моддасини ишлаб чиқаради ва захарли ҳашаротларга қарши мустаҳкам

турдаги биологик мавжудотнинг йўқолиб кетишига сабаб бўладими ёки йўқми, буни башорат қилиш қийин. Нима бўлганда ҳам олимларнинг фикрича, янги ўсимликларнинг бари инсоният учун хавфли саналмайди. Боз устига, ҳозир озиқ-овқат технологиялари нафақат оч одамларни тўйдириш, балки таркибини фойдали моддалар билан бойитиб, маҳсулотни медицина мақсадларида қўллаш учун ҳам ривожланиб боради.

Масалан, швейцариялик тадқиқотчилар сўнгги технологияларда генли модификацияланган ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, улар ўзидан протеин моддасини ишлаб чиқаради ва захарли ҳашаротларга қарши мустаҳкам

Хуллас, янгиликлар кўп, уларнинг саногии чексиз. Шунинг учун бўлса керак, Европа Комиссияси бутун бу каби технологиялар мазорининг умумий қийматини миллиардлаб АҚШ доллари миқдориди баҳолаган. Шу билан бирга, улар мазкур маҳсулотларни истеъмол қилишда оғоҳ бўлишга ҳам даъват этмоқда. Бу маҳсулотлар инсон саломатлиги учун мутлақо хавфсиз, деб хулоса чиқаришга ҳали эрта. Комиссия наздида ушбу маҳсулотларни, керак бўлса, уларга ҳашаротларга йўналтирилган моддалардан-да мукамал ўрганиб чиқиш лозим.

Шаҳобиддин РАСУЛОВ тайёрлади.

# ҚИШЛОҚДА ГИМНАСТИКА КОШОНАСИ



*Мамлакатимиз раҳбари ўтган йили Қашқадарё вилоятига таширф буюрганида, Қарши шаҳридаги маданият ва спорт-соғломлаштириш маркази билан танишган эди. Ушунда косонлик гимнастикачи қизлар ўз маҳоратларини намойиш қилишганди. Юртбошимиз спортга меҳр қўйган бу қизлар билан суҳбатлашиб, қишлоқларда мукамал спорт иншоотлари қуриш ҳақида мулоҳазалар билдирган эди. Натижада Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Косон туманидаги Гувалак қишлоғида халқаро андаларга тўлиқ жа- воб берадиган бадий гимнастика саройи фойдаланишга топширилди.*



Нега айнан Гувалак- да? Чек-адогини кўз илғамайдиган Қашқа воҳасида минглаб қиш- лоқлар борлигини, улар- да спорт кўнгли ардоғига айланган қанчадан-қанча ёшлар камолга етатгани ҳақида ўйлаган ҳар бир кишининг кўнглидан ана шундай савол ўтиши та- йин.

2005 йилда қишлоқда болалар спорт мажму- си ишга туширилганда, катта байрам бўлиб кет- ди. Кўп ўтмай мажмуага Президентимизнинг сов- гаси — спорт жиҳозлари келтирилди.

Мен қишлоққа бориб, аввал «Шухрат» медали соҳиби, Халқ таълими аълочиси, кураш бўйича олий тоифали мураббий Пўлат Омонқулов билан суҳбатлашдим. Айниқса, унинг қизларни спортга жалб этиш ҳақидаги ҳикояси мароқли эди. Ай- тишчи, қишлоқдаги 1- мактабда жисмоний тар- биядан сабоқ бериб юр- ганида, Сабоҳат Адилова эътиборини тортган. Жус- саси кичик, нозик-ниҳол қиз курашнинг дзюдо тури бўйича очилган тў- ракка қатнай бошлаган.

«Аммо Сабоҳат эгилу- ван, қайишқоқ, иродали эди. Ундаги ноёб қоби- лиятни тарбиялаш учун кўпроқ гимнастик ва ак- робатик машқларни ба- жартирардим.

Йиллар ўтиб, Сабоҳат ўқиб, тиббиёт ҳамшираси бўлди. Тиббий муассаса- ларда ҳамширалик қил- ди, кейин болалар боғча- сида ишлади. Аммо ку- рашни тарк этган бўлса- да, гимнастика бўйича машқларни давом эттириб юрди. Қишлоқда болалар спорт мажмуи ишга ту- ш- га, мажмуа директори

Ўқтам Султоновнинг так- лифи билан ишга келди. Бухородаги «Нафис» ба- дий гимнастика мактаби- да малака ошириб қайта- ди. Мажмуада бадий гимнастика тўрагаи очил- ган, 80 нафар қиз мактаб- дан кейин машғулота қатнай бошлади. Йил охирида спортчилар 250 нафарга етди. 2006 йил- нинг февраль-март ойла- рида Германиянинг Кельн шаҳрида бўлиб ўтган халқ- аро турнирга Сабоҳат 2 нафар шогирдини олиб борди. Миллий либосда- ги юртимиз вакиллари- нинг чиқишлари халқаро мусобақа иштирокчилари- да илиқ таассурот қол- дирди.

Сабоҳатнинг шогирдла- ри ўтган йили ёз ойида Қаршидаги маданият ва спорт-соғломлаштириш мажмуада мамлакатимиз раҳбарига ўрганган машқларини намойиш этадилар.

— Юринг, янги бино- нинг ичига кирайлик, — дейди Гувалак болалар

спорт мажмуи директори Ўқтам Султонов. — Қаранг, залнинг узунли- ги 30 метр, эни 18 метр, шифтнинг баландлиги 9 метрга тенг. Бу — халқ- аро андаларга тўла жа- воб беради.

Очиғи, бу сингари ул- кан ва дид билан қуриб, жиҳозланган спорт иншо- отини кўрмаганим учун ҳайратга тушдим. Бадий гимнастика — нафос- сат санъати. Танланган куйлар асосида гўзаллик, инсон иродаси ва тана- сининг имкониятлари на- мойиш қилинадиган спортнинг анча мураккаб ва жозибали тури. Мен гилам узра бир-биридан уйғун, гўзал машқларни бажаратган қизларнинг ҳатти-ҳаракатларини ку- затиб, маҳорат билан ўргатаётган мураббий Сабоҳат Адилова билан суҳбатлашдим. У бизни шогирдлари билан та- ништиради.

— Мен қишлоғимизда- ги 95-мактабда таълим олаётган, — дейди ўн

ёшли Ёзоза Аъзамова. — Тўрт йилдан буён дарслардан кейин маш- ғулотларга қатнайман. Ўтган йили Президентим- из Қаршидаги спорт мажмуи келганларида бизлар билан учрашди- лар.

— Шогирдларим ҳозир 300 нафарга етди, — дейди фахрли мураб- бий, Халқ таълими аъло- чиси Сабоҳат Адилова. — Аввало, бадий гимнасти- ка — фан! Қоматни шакл- лантириш, нафосатли машқларни бажариш учун

билим керак. Шунинг учун ҳам тинмай илзаниб, мах- сус адабиётларни мутолаа қилиб бораман. Бадий гимнастика учун алоҳида қобилият керак. Бизда ис- теъдодли қизлар кўп. Ана шундай шогирдларим ўтган йили Германияда ўтган халқаро мусобақа- да миллий либосларда чиқишди. Одатда халқаро мусобақаларда бир хил кийинишади. Атласнусха либосларни ўзимиз тик- кандик. Ҳаммамнинг эъти- борини тортди. Қизлари- миз мусобақадан қайтган, машғулота қатновчилар ниҳоятда кўпайиб кетди. Шогирдларимдан Ёзоза Аъзамова, Мухлиса Мав- лонова, Ҳамида Фахрид- диновалар бултур Тош- кентда ўтган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашди. Ажаойиб ша- роитларга эга спорт са- роимиздан юртимиз ша- рафини ҳимоя қиладиган кўплаб спортчи қизлар етишиб чиқишига ишона- ман!

**Юнус УЗОҚОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
муҳбири.  
**Суратларда:** бадий гимнастика спорт мажмуи фаолиятдан лавҳалар.



## СПОРТ СПОРТ СПОРТ СПОРТ

### «ПАХТАКОР» — «БУНЁДКОР» УЧРАШУВИ ҚАЧОН ЎТКАЗИЛАДИ?



«Шўртан» — «Нефтчи» баҳси билан Ўзбекистон XVIII миллий чемпионати олий лига жамоалари 24- тур ўйинларига яқун ясалди. Унда 58-дақиқада Артур Геворкян томонидан киритилган тўп «Шўртан»

футболчиларига муҳим уч очкони туҳфа қилди.

Ушбу турдан жой олган «Олма- лик» — «Бунёдкор» жамоалари уч- рашуви қутилмаган натижа билан ниҳоясига етди. Унда бунёдкорчи-

лар мавсумдаги илк мағлубият ала- мини торттиларига бир баҳа қолди. Уйининг 85-дақиқасигача 0:2 ҳисобида имкониятни бой бе- раётган бунёдкорчилар Сервер Жепаровнинг «дубли» эвазига уч- рашуви дуранг билан тугатишга муваффақ бўлишди — 2:2.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар гайд қилинди: «Локомотив» — «Навбахор» — 2:0, «Насаф» — «Металлург» — 3:0, «Хо- разм» — «Машъал» — 2:1, «Бухоро» — «Кизилқум» — 3:5, «Анди- жон» — «Динамо» — 2:0, «Пахта- кор» — «Сўғдиёна» — 5:1.

Хабарингиз бор, «Бунёдкор», «Пахтакор» ҳамда «Нефтчи» жамо- алари Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубоги баҳсларида қатнаша- ётганликлари туфайли 20-турнинг улар иштирокидаги баҳслари қол- дирилганди. Қуни кеча ЎФФ кечик- тирилган учрашувлар мuddатига ойдинлик киритди. Унга қўра, «Пахта- кор» — «Бунёдкор» жамоалари ўйини 14 октябрь, «Насаф» — «Не- фтчи» баҳси эса 15 октябрь кuni ўтказиладиган бўлди.

## ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚ



**Футбол бўйича Мисрда ёшлар ўртаси- да ўтказилаётган жаҳон чемпионати нилчорак финал учрашувлари мухлис- ларга бир қатор қутилмаган натижа- ларни тақдим этди**

Мусобақа гуруҳ баҳсларида юз фо- зиллик натижани қайд этган Испания ёшлар терма жамоасининг имконият- лари юқори баҳоланаётгани. Аммо испаниялик ёшлар қутилмаганда Ита- лия футболчиларига 1:3 ҳисобида ют- қазиб қўйишди. Шунингдек, Парагвай ёшлар терма жамоаси ҳам Жанубий Корея футболчиларига йирик ҳисоб- да имкониятни бой беришди — 0:3.

Мамлакатимиз ёшлар терма жамо- аси билан бир гуруҳда тўп сурган га- наликлар нимчорак финалда ўз қитъ- адoshiлари Жанубий Африка Респуб- ликаси вакилларига қарши майдонга тушидилар. Унда голиб учрашувининг қўшимча вақтида аниқланди ва Гана ёшлар терма жамоаси ўзининг ғала- бали юришини давом эттирди — 2:1. Яна бир қизиқарли ўйин Венгрия —

Чехия ёшлари ўртасида ўтказилди. Ушбу учрашувининг асосий ва қўшим- ча вақтида дуранг қайд этилди — 2:2. Пенальтилар сериясида эса омад венгрияликларга кулиб боқди — 6:5.

Гуруҳ баҳсларида ўз мухлисларига қувонч улашган мезбонлар учун ним- чорак финал охириги «бекат» вазифа- сини ўтаб берди. Коста-Рика ёшлар терма жамоасига қарши кечган баҳс- да мисрликлар ўз дарвозалари тўри- дан жавобсиз икки тўп олиб чиқишди — 0:2.

Кеча кечкурун нимчорак финалнинг қолган уч учрашуви ўтказилди: Бра- зилия — Уругвай — 3:1, Венесуэла — БАА — 1:2, Германия — Нигерия.

Чорак финал баҳслари 9 ва 10 ок- тябрь кунлари бўлиб ўтди.

**Эркин ХОЛБЕВО**

## ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

### Тараддуд

Мана, куз фаслининг иккинчи ойи ҳам охирида, қиш келишига ҳам оз фурсат қолди. Беш-олти кундан буён ҳавонинг авзойи бузилиб, гоҳо тўсатдан ҳароратнинг кўтарилиб ке- тиши, гоҳида қўқда ола булут су- зиб ёмғир шивирлай бошлаб, ҳаво- да сезиларли даражада совуш куза- тилаяпти. Хўш, эрта-индин бошла- надиган қишнинг аёзли кунларига тайёрми?

Бу ҳақда бизга Ургут тумани халқ таълими бўлим мудир Неъмат Хўжанов қўйидагиларни гапириб берди:

—Туманимиз маркази ва айниқ- са, қишлоқ жойларидаги умумтаъ- лим мактабларининг қишқи мав- сумни ортиқча ташивларсиз ўтка- зиши йил бўйи кўрилатган тайёр- гарлигимизга боғлиқ. Айни қиш чилласида синфхоналарда иссиқ- лик тизими ишдан чиқса, газ ёки электр энергияси таъминотида уз- лиш рўй берса бунинг ҳеч қандай са- баб билан оқлаб бўлмайди.

Шу бос жорий йилда 2004-2009 ўқув йилларида Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига қўра, туман халқ таъли- ми бўлими тасарруфидига жами 136 та мактабнинг 8 таси капитал ре- конструкция қилинди. 8 та мактаб эса капитал таъмирланди, 5 та

умумтаълим мактаблари жорий таъмир- дан чиқарилди.

Бундан ташқари, туман таълим муас- сасаларига қарашли барча мактабларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик бора- сида кенг қўламли ишлар амалга оши- рилди. Туманга қарашли барча мактаб- ларнинг дераза ойналари тўлиқ бутлан- ди. Қиш фаслидаги энг муҳим восита ҳисобланган иситиш тизими тўлиқ қайта кўриб чиқилов, тайёр ҳолга кел- тирилган. Тумандаги умумтаълим мак- табларидан 85 таси газ тармоқларига уланган. Шунга қарамадан, печлар ва уларнинг мўрилари тозаланиб, туман таълим муассасаларига жами 2760 тон- на кўмирга эҳтиёж бўлганлиги боис шу йил 26 август ҳолатига қўра 1298 тонна кўмир олиниб, таълим даргоҳларига тар- қатилди. Олинган кўмирлар жойларда усти ёпилган ҳолда сақланмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, мактаб- ларимизда қиш мавсумида ҳам ўқув жа- раёнлари узлуксиз ва сифатли ўтиши учун барча шароитлар яратилди. Қишга тайёргарликни ўз вақтида бошлагани- миз учун бугун кўнглимиз хотиржам.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**  
ёзиб олди.

**Польшанинг Млтава шаҳрида классик ва тезкор шашка бўйича ёшлар ўрта- сида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.**

### САЙХУНОБОДЛИК ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Унда дунёнинг 16 мамлакатидан 132 на- фар шашка устаси қатнашиб, тўртта ёш гу- руҳида дона суришди. Ўн олти ёшгача бўлган шашкачилар ўртасида Сайхунобод туманидаги 41- мактаб ўқувчиси Самандар Калонов тўққизта ўйиннинг учтасини ғала- ба, олти тасини эса дуранг натижа билан яқунлаб, чемпионат олтин медалини қўлга киритди.

**Мунаввар ПАРДАЕВ**

### «ШАРҚОНА» ТҲЙХОНАСИ

Шаҳрихонлик эл ишига ка- марбаста инсон Абдуҳаққор Қобулов ўз сармоёси ҳисоб- дан «Шарқона» тантаналар саройини бунёд этиб, фой- даланишга топширди. 250 миллион сўм эвазига кўрк очган бу саройда 18 иш ўрни яратилди.

500 ўринли замонавий қоҳона элга манзур хиз- мат кўрсатмоқда.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

Газетанинг навбатдаги сони 13 октябрь, сешанба кuni чиқади.

<b>BOSH MUHARRIR:</b>
<b>Safar OSTONOV</b>
<b>TAHRIR HAY'ATI:</b>
Abdulla OROPOV
Latif G'ULOMOV
Asliiddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
<b>MUASSIS:</b>
O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI
<b>BO'LIMLAR:</b>
<b>Partiya hayoti</b>
233-10-13
<b>Madaniyat va sport</b>
233-69-45,
(Tel. Faks) 233-21-43
<b>Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot</b>
233-20-36,
233-44-55
<b>Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot</b>
233-12-56
<b>Reklama va o'lonlar</b>
233-38-55,
233-47-80
<b>Mas'ul kotib</b>
233-72-83,
236-55-17

<b>VILOYAT MUXBIRLARI:</b>
<b>Andijonda —</b>
25-32-70
<b>Buxoroda —</b>
223-06-02
<b>Gulistonda —</b>
25-46-45
<b>Jizzaxda —</b>
227-48-35
<b>Navoiyda —</b>
223-83-73
<b>Namanganda —</b>
226-43-43
<b>Nukusda —</b>
222-77-21
<b>Samarqandda —</b>
35-02-55
<b>Urganchda —</b>
517-30-58
<b>Farg'onada —</b>
224-18-78
<b>Denovda —</b>
8-37641-23-780

<b>MANZILIMIZ:</b>
100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail:
info@uzbekistonovozi.uz
Navbatchi:
Behzod SHUKUROV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxat qilingan. Gazeta o'xshat usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
T — 949
8239 nusxada bosildi
T — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'za yakuni — 20.10
Topshirilgan vaqti — 00.00
1 2 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda